

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА
ИННОВАЦИЯЛАР**

6 СОН, 3 ЖИЛД

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И
ПСИХОЛОГИИ**

НОМЕР 6, ВЫПУСК 3

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND
PSYCHOLOGY**

VOLUME 6, ISSUE 3



МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Азимова Зиёда Эргашевна, Насырова Зарина Мунировна ПОЛЕ МНЕНИЙ О СУЩНОСТИ И СОДЕРЖАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНО- ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	4
2.Абдиримова Интизор Камиловна ЛОЙИХАЛАШ ФАОЛИЯТИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ЛОЙИҲА ТАЪЛИМИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	10
3.Серебряков Ю.В ОҒИР ВАЗНДАГИ БОКСЧИЛАРНИНГ ВАЗН-БЎЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАРКИБИ СИФАТИДА.....	16
4.Tajibayeva Latofat Farhodovna FURQAT IJODIDA MAVZU VA G‘OYA YAHLITLIGI.....	23
5.Юсупова Дилноза Ўктамали кизи БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЭТНОГРАФИЗМЛАРНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ.....	28
6.Махкамова Саида Хафизовна ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ К ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	32
7.Гавхар Сиддиковна Фузаилова САМОИДЕНТИФИКАЦИИ КАК ЛИЧНОСТНОЕ РАЗВИТИЕ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ.....	37
8.Хайров Расим Золимхон ўғли ТАСВИРИЙ САНЪАТДАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ ВА УЛАРГА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	41
9. Каримова Зебинисо Хакимжоновна ИНТЕГРИРОВАННОЕ ОБУЧЕНИЕ ДЕТЕЙ С НАРУШЕНИЯМИ СЛУХА.....	49
10.Хегай Алёна Хислатиллаевна ОБРАЗОВАНИЕ В ДУХЕ ПАТРИОТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ.....	56
11.Kim Svetlana Terentyevna, Kabulova Gulruxsor Ulugbekovna COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING.....	61
12.Teshaboyeva Bibiroziya Iqboljon qizi INGLIZ TILIDAGI BA’ZI SINONIM SO’ZLARNING MA’NO LIHATIDAN FARQLANISHI.....	73

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Юсупова Дилноза Ўқтамали қизи
ҚДПИ Факультетлараро чет
тиллар кафедраси ўқитувчиси

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЭТНОГРАФИЗМЛАРНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation: D.U.Yusupova. Problems of teaching ethnography in primary school. Journal of innovations in pedagogy and psychology, Vol. 6, Issue 3, 2020, pp.28-31



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-6-5>

АНОТАЦИЯ

Мазкур мақола бошланғич синф немис тили дарсликлариди этнографизмларнинг қандай берилганлигига бағишланган бўлиб, унда дарсликдаги этнографик атамалар ўрганилади. Ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, байрамлари, урф-одат ва анъаналари бошланғич синф ўқувчилари онгида қандай мустақкам ўрин эгаллаши мумкинлиги ҳақида фикрлар юритилиб, таҳлил қилинади. Бундан ташқари немис халқининг яна қайси байрам, урф-одат ва анъаналари болалар хотирасида ёрқин таъассурот қолдириши мумкинлиги ва уларни ҳам дарсликка киритиш кераклиги ҳақида таклифлар берилади. Мақолада немис ва ўзбек халқининг машхур байрамлари таққосланади.

Калит сўзлар: этнографизм, менталитет, Weihnachten, Osterfest, Ostern, Osterhase, Osterei, Karneval, das Fest, der Weihnachtsmann, der Weihnachtskranz.

Юсупова Дилноза Уқтамалиевна
преподаватель Кокандского
Государственного Педагогического
Института межфакультетской кафедры

ПРОБЛЕМЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ЭТНОГРАФИИ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

Данная статья посвящена тому, как этнография представлена в учебниках немецкого языка для начальной школы, в которых изучаются этнографические термины в учебнике. И процесс как культура, праздники, обычаи и традиции изучаемого языка могут прочно закрепиться в умах учащихся начальной школы. Кроме того, делаются предложения о том, какие другие праздники и традиции немецкого народа могут произвести яркое впечатление на память детей, и их следует включить в учебник. В статье сравниваются знаменитые праздники немецкого и узбекского народов

Ключевые слова: этнография, менталитет, Рождество, Пасха, Пасхальный заяц. Пасхальное яйцо, карнавал, дед мороз, рождественский венок.

Yusupova Dilnoza Uktamalievna
Teacher of the Interfaculty chair
at Kokand State Pedagogical Institute

PROBLEMS OF TEACHING ETHNOGRAPHY IN PRIMARY SCHOOL

ANNOTATION

The article is devoted to how ethnography is presented in primary school German language textbooks, in which ethnographic terms in the textbook are studied. And the culture, holidays, customs and traditions of the country where the language is studied can be firmly rooted in the minds of primary school students. In addition, suggestions are made on what other holidays and traditions of the German people can make a bright impression on the memory of children, and they should be included in the textbook. The article compares the famous holidays of the German and Uzbek peoples.

Key words: Ethnography, mentality, Christmas, Easter, Easter bunny, Easter eggs, carnival, the festival, Santa Claus, Christmas wreath.

Кириш

Маълумки, урф-одатлар халқларни бир биридан ажратиб турувчи муҳим белгилар сирасига киради. Мамлакатимизнинг биринчи президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган омиллар хусусида сўз юритиб: “Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди” [1], -деб таъкидлаган эдилар. Бу фикрлар бизни этнографияни чуқурроқ ўрганишга ундайди десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тиллари ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сонли қарори [2] эса, чет тилларини мактаб дарсликларидан бошлаб мукамал ўргатишга ундайди.

Мамлакатимизда бугунги кунда чет тилларига катта эътибор қаратилиши билан бирга айниқса, бошланғич синфларда ҳам этнографизмларни ўргатиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Этнографизмларни ўқитиш орқали тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одатларини танишиш билан биргаликда ўз мамлакатининг ҳам урф-одатларини чуқур ўрганиб бориш имконияти яратилади.

Хорижий тил - немис тилини ўқитишда айниқса унинг урф-одатлар-ини ўқитишнинг таъсирчан механизмларини яратиш ва ривожлантириш юзасидан этнографизмлардан фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб масалалардан биридир.

Бошланғич синф ўқувчилари немис ва ўзбек халқига хос бўлган этнографизмларни ўқиши ва ўрганиши орқали тилни янада мукамал равишда ўрганиб, тили ўрганилаётган мамлакатнинг урф-одатларига нисбатан хурмат ва эътибори ҳам ошиб боради.

Умумтаълим мактабларининг немис тили дарсликларида берилган этнографизмларни ўрганиш, таҳлил этиш ва бундан ташқари уларни ўрганишда интерфаол усулларни қўллаш тил ўрганиш жараёнини янада тезлаштиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қуйида биз бошланғич синфларда этнографизмларнинг берилиши ҳақида атрофлича фикр юритмоқчимиз. Бошланғич синфларда этнографизмларнинг берилишида соддалик, қизиқарлилик ва таъсуротга бойликни кузатишимиз мумкин. Масалан, II синф немис тили дарслигида ўқувчилар учун қизиқарли бўлган “Weihnachten” мавзуси берилган. Унда мавзуга оид *der Tannenzapfen, der Weihnachtsmann, der Weihnachtskranz, die Kerze, das Weihnachtsgeschenk* каби сўзлар берилган [3.58б.]. Маълумки, Германияда „Weinachten“ - бу болаларнинг энг сеvimли байрамларидан ҳисобланади. Ўқувчиларда байрам тўғрисида ёрқин таъсурот қолдириш учун расмилар иллюстрацияларга катта эътибор қаратилган. Масалан

байрам куни „Weihnachten“ дарахтининг безатилиши „Weihnachten“ бобоси ва қопдаги турли хил совғалар ўқувчиларга эстетик завқ бағишлайди.

Шунингдек 4 синф дарсликларида ҳам этнографизмларга оид бир қанча мавзулар берилган бўлиб, улар немис халқи маданияти ҳақида ўзгача таъсурот қолдиришга хизмат қилади. Масалан, „Osterfest“ яъни “Пасха” байрами. Мазкур байрам немис халқининг ўзига хос байрми бўлиб, унда болалар учун қизиқарли бўлган “пасха қуёни” ва “пасха тухумлари” ранг-баранг расмларда ўз аксини топган. Бундан ташқари, мавзу орқали грамматик материал ҳам мустахкамланиб борган. Яъни, қуён қаерда турибди? (Wo ist der Osterhase?) Тухумниг ичида (**in** dem Osterei), тухумниг ёнида (**an** dem Osterei), тухумниг тагида (**unter** dem Osterei), тухумниг устида (**auf** dem Osterei), тухумниг орқасида (**hinter** dem Osterei) каби саволлар орқали юкламалар тўғрисида маълумотга эга бўладилар [4,56 б.].

Бундан ташқари, ўқувчиларда немис этнографиясига оид амалий билимларни мустахкамлаш мақсадида, ёшгина немис миллатига мансуб қизалоқ тилидан (дарсликдаги Анна ҳикояси) пасха байрамига оид бир неча маълумотлар берилади. Масалан, пасха баҳор фаслининг март, апрел ойларида нишонланиши, байрамнинг рамзий белгиси бу болалар учун бўялган тухумлар эканлиги ҳақида баён қилинади. Бундан ташқари, германияликлар учун анъана тусига кириб қолган яна бир қизиқ ҳолат шундаки, ота оналар томонидан яшириб қўйилган тухумларни болалар излаб топишларидир. Ва улар бу тухумларни пасха қуёни яшириб кетган деб ишонадилар. Бу байрамларнинг ҳаммаси фарзандлар шодлиги, қувончи ва табассумини кўриш учун немис халқи ота-оналари томонидан ўйлаб топилган удумлардан бири ҳисобланади. Пасха байрамида, бундан ташқари, оналар байрам пироглари, турли хил ширинликлар ва анъана тусига кириб қолган пишириқлар тайёрлашлари ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Аслида пасха бу йилнинг иккинчи муҳим байрамидир. Бизга маълумки, Германияда кўпгина байрам ва фестиваллар мавжуд. Йилнинг биринчи муҳим фестивали – бу Карневал. Бу вақт ичида кулгили либос кийган одамлар кўчага чиқишади. Аммо бу байрам ҳақида негадир бошланғич синф дарсликларида маълумотлар берилмаган. Бизнинг фикримизча байрам ҳақида болаларга хос мавзулар бериб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун фестивалнинг айнан болаларга завқ бағишлайдиган хусусиятларини топишимиз ва ўзбек миллий байрамларидан бирига таққослаган ҳолда уйғунлаштириб, дарсликда мисол ўрнида фойдалансак бўлади.

Бошланғич синф дарсликларида бир нечта ўзбек халқ байрамлари ҳам тилга олинган бўлиб, миллий урф-одатларимиз менталитетимизга мос ҳолда ёритилган. Албатта бунда болаларча дунёқараш эътиборга олинганлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Масалан, “Наврўз”, “Янги йил”, “Туғилган кун анъаналари” ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир. Дарсликда берилган байрамлар ҳақидаги суҳбатлар орқали ҳам ўқувчи янада янги этнографик билимга эга бўлиши мумкин. Чунки суҳбатлар асосан байрамларнинг қачон нишонланиши ва бу куни нима ишлар қилиниши ҳақида бўлади.

Welches Fest magst du ?

Wann feiert ihr dieses Fest?

Was macht du beim Fest?

Ўқувчилар шу каби саволларга жавоб топиш билан биргаликда немис халқи маданияти ҳақидаги бошланғич билимларга ҳам эга бўладилар.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, бугун чет тили ўрганиш замон талаби экан, биз ёш авлодга нафақат чет тилини балки, тили ўрганилаётган давлатнинг тарихи, маданияти айниқса, урф-одатларини ҳам пухта ўргатмоғимиз керак. Албатта, бунда соддадан мураккабга ўтиш амалиётидан фойдаланамиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бошланғич синфларда ўқувчиларга тили ўрганилаётган мамлакат этнографиясини янги педагогик технологиялар ёрдамида осон тушунтириш ва узоқ вақт ёдда сақлаш имконини яратишдан иборатдир.

Иктибослар / Сноски / References:

1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз” Т. 2017.
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 11 avgustdagi “Ta’lim muassasalarida chet tillarini o‘qitishning sifatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 610-sonli qarori
3. Каримов И.А “Юксак маънавият – енгилмас куч”.Тошкент. Маънавият. 2008.
4. Каримов И.А. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги PQ-1875. Т., 10.12.2012
5. „Deutsch mit Spass“ 2 Arbeitsbuch . Ғофур Ғулом нашриёти . Тошкент 2017.
6. „Deutsch mit Spass“ 4. М. С. Дадахолжаева, К. Исмадова, Д. Исматиллаева, М. Қаҳҳорова. Ғофур Ғулом нашриёти . Тошкент 2017.
7. С. Саидов. “Deutsche Grammatik in Übungen”.Т.: Ўзбекистон.2003
8. М.М.Қаҳҳорова “Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи”.номли Филол. фанлари номзоди диссертация автореферати. Тошкент 2009.
9. И. Жабборов.”Ўзбек халқи этнографияси”.Тошкент. Ўқитувчи 1994
10. Sattor M. O ‘zbek udumlari. Toshkent: Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2007.
11. Умирзақов Ф. И .” Немис тилида сўзлашувчи мамлакатлар”.Методик қўлланма .Т.,2004.
12. Tatsachen über Deutschland.Frankfurt/Main .2012.

Интернет сайтлари

1. <https://www.dw.com/de/deutsch-lernen/s-2055>
2. <https://www.goethe.de/de/spr/ueb.html>
3. <https://deutschlernerblog.de/tipps-zum-deutschlernen/>